

Саудия Индонезияга 100 тонна хурмо ва Қуръон ҳадя қилди



11:00 / 23.03.2021 1834

Индонезиянинг Дин вазирлиги Саудия Арабистони ҳукуматидан 100 тонна хурмо ва 10 минг нусхада Қуръони Каримни қабул қилиб олди. Бу ҳақда копрас манбаси хабар беради.

«Саудия Арабистони ҳукуматининг Индонезиядаги мусулмонларга кўрсатаётган эътиборидан миннатдормиз», дейди Индонезиянинг дин вазири.

Хайрия қилинган хурмо жамоат ташкилотлари, масжидлар ва намозхоналарга тарқатилади.

Бугунги кунда Индонезияда энг кўп мусулмонлар яшайдиган мамлакат ҳисобланиб, Саудия Арабистони билан жуда яқин муносабатларга эга.

Хуршид Маъруф тайёрлади